



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 10 » mart

№ 128

Toshkent sh.

Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 17 январдаги ПҚ–4567-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, тутзорларни ташкил қилишда сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 17 январдаги ПҚ–4567-сон қарорига мувофиқ янги интенсив тутзорлар барпо этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун томчилатиб суғориш тизимини жорий этган ҳолда, янгидан ташкил этилган тутзорларнинг **ҳар бир гектарига 8 миллион сўмгача;**

майдони 35 гектардан зиёд тутзорларда сув чиқариш учун бурғиланган кудукни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун **насос станциясини қуришга 120 миллион сўмгача субсидия** ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, тутзорларни ташкил қилишда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш, суғориш кудукларини казиш ҳамда насос станцияларини қуриш учун сарфланадиган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан ва 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида субсидиялар ажратиш назарда тутилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича манзилли дастурни шакллантириш тартиби;

сув тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ва сув чиқариш учун насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби.

4. Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини доимий таҳлил қилсин ва ҳар чорак якунига кўра Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Қ. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 10 март даги 128 - сон қарорига
илова

**Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур низом қоидалари 2020 йил 1 февралдан бошлаб ташкил этилган мевали ва озуқа интенсив тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилган талабгорларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

талабгорлар – мевали ва озуқа интенсив тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этувчи ва сув чиқариш учун бурғиланган қудукни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуришни жорий этадиган пиллачилик ва тутчилик ташкилотлари;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари – мевали ва озуқа интенсив тутзорларни томчилатиб суғориш технологияларини ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш орқали суғориш тизимлари;

томчилатиб суғориш – суғоришнинг тут дарахтлари илдизи ёнидаги зонага кам миқдорда (томчилатиб) сув етказиб берадиган усули;

томчилатиб суғориш тизими – сув тиндиргич (ҳовуз), сув насоси, сув тозалагичлар (филтрлар), минерал ўғитлар эритмасини тайёрловчи мослама, сувни бошқариш ва ўлчаш воситалари, сув етказувчи, сув тарқатувчи ва сув томизгичли қувурлардан иборат суғориш мажмуаси.

4. Мевали ва озуқа интенсив тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш мақсадида:

жорий этилган томчилатиб суғориш тизимлари учун субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдори экин майдонининг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўмгача;

майдони 35 гектардан зиёд тутзорларда сув чиқариш учун бурғиланган қудукни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни

чиқариш мақсадида насос станциясини қуришга ҳар 35 гектар учун 120 миллион сўмгача субсидия берилади.

Агар шартномада сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишга сарфланган харажатлар белгиланган субсидия миқдоридан кам бўлса, субсидия шартномада назарда тутилган суммага ажратилади.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилади.

5. Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун ҳар бир гектар тутзор майдонига субсидия миқдори субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдорига ерларнинг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффицентни кўпайтириш йўли билан аниқланади.

6. Мевали ва озуқа тутзорлар ерларининг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффицентлар миқдори қуйидаги жадвалга асосан ҳисобланади.

Суғориш тури	Ерларнинг бонитет баллари ҳисоб-китоби бўйича коэффицентлар				
	0-20	21-40	41-60	61-80	81-100
Тутзорлар					
Томчилатиб суғориш тизими	1,0	0,9	0,8	0,7	0,6

7. Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича манзилли дастурни шакллантириш тартиби

8. Ҳар бир туманда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш истагини билдирган талабгорларнинг аризаларини қабул қилиш, ер участкаларининг майдонлари, шарт-шароитлари, ер бонитет балли ва шўрланиш даражаси, барпо этиладиган тутзорларга мослиги, сув ва электр энергияси билан таъминланганлик даражаси ва бошқа томонларини жойига чиқиб ўрганиш, шунингдек, талабгорларнинг молиявий ҳолатини ўрганиш натижалари юзасидан хулосалар бериш мақсадида мевали ва озуқа интенсив тутзорларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — туман ишчи гуруҳи) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда тузилади.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, туман ирригация бўлими бошлиғи, туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи, Ўзбекистон фермер, деҳқон

хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг туман бўлими бошлиғи, “Ўзбекгидрогеология” институти вакили ҳамда хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмаси раҳбаридан иборат таркибда тузилади. Туман ҳокими туман ишчи гуруҳи раҳбари ҳисобланади.

Туман ирригация бўлими туман ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади.

9. Талабгорлар келгуси йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича ҳар йили 1 февралга қадар туман ишчи гуруҳининг ишчи органи – туман ирригация бўлимига ушбу Низомга 3-иловадаги келтирилган намунага мувофиқ ариза билан мурожаат қилади.

10. Туман ишчи гуруҳи талабгорлар аризаси тушган кундан бошлаб уч иш кунида жойига чиқиб ўрланади. Бунда тегишли ер майдонининг талаб даражасида унумдорлиги, шўрланиш даражаси, навдор тут кўчатлари экилганлиги, тут кўчатларини экишга қўйиладиган талабларга мослиги каби мезонларга асосан субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради.

Ўрганиш натижаси бўйича келгуси йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича туман манзилли рўйхатини (кейинги ўринларда – туман манзилли рўйхати) мазкур банднинг биринчи хатбошида белгиланган мезонларга асосан мевали ва озуқа интенсив янги тутзорларнинг ҳудудлар ҳамда талабгорлар бўйича ер участкаси майдони, ер бонитет балли, сув манбаини кўрсатган ҳолда шакллантиради.

11. Туман манзилли рўйхати туман ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи гуруҳи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган туман манзилли рўйхати ҳар йили 15 февралга қадар кўриб чиқиш ва умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ–4087-сон қарорига мувофиқ шакллантирилган Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳининг (кейинги ўринларда – ҳудудий ишчи гуруҳ) ишчи органи – Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш кўмитасининг ҳудудий бошқармасига тақдим қилинади.

Туман манзилли рўйхатининг тўғри тузилишига туман ишчи гуруҳи раҳбари ва аъзолари масъул ҳисобланади.

12. Ҳудудий ишчи гуруҳ:

туманларнинг манзилли рўйхатларини таҳлил қилади ва келгуси йилда мевали ва озуқа тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича туманлар, ҳудудлар ҳамда талабгорлар бўйича ер участкалари майдони, ер бонитет балли, сув манбаи кўрсатилган ҳолда,

худудий манзилли рўйхатни (кейинги ўринларда – худудий манзилли рўйхат) шакллантиради. Заруратга кўра, талабгорларнинг таклифларини жойига чиқиб қўшимча равишда ўрганади;

худудий манзилли рўйхат худудий ишчи гуруҳнинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва худудий ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган худудий манзилли рўйхат ҳар йили 1 мартга қадар белгиланган тартибда Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитасига тақдим қилинади.

Худудий манзилли рўйхатнинг тўғрилиги бўйича худудий ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари масъул ҳисобланади.

13. Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси:

худудий манзилли рўйхатни таҳлил қилади, умумлаштиради ва тегишли ҳисоб-китобларни ишлаб чиқади;

меваги ва озуқа тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича манзилли дастур (кейинги ўринларда – манзилли дастур) лойиҳасини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан келишган ҳолда, ҳар йили 15 мартга қадар Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этади.

14. Вазирлар Маҳкамаси тақдим этилган манзилли дастурни таҳлил қилади ва ҳар йили 20 мартга қадар тасдиқлайди.

Тасдиқланган манзилли дастур Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ижро учун юборилади.

Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда, янги интенсив меваги ва озуқа тутзорлар ҳамда уларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуришнинг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб, талабгорлар розилиги асосида тасдиқланган манзилли дастурга ўзгартиришлар киритиши мумкин.

3-боб. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ва сув чиқариш учун насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрларида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш

учун маблағлар ажратишни кўзда тутуди ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг маблағларни белгиланган тартибда Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасига ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасида очиладиган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

16. Манзилли рўйхатга киритилган талабгорлар сувни тежайдиган суғориш технологияларининг лойиҳалар асосида тўлиқ қурилишини таъминлайди ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилишни ташкил қилиш ва субсидия ажратиш учун туман ишчи гуруҳининг ишчи органи – туман ирригация бўлимига мурожаат қилади.

17. Туман ишчи гуруҳи мурожаат тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида:

а) жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларини жойига чиқиб, талабгор ва пудрат ташкилоти вакили иштирокида ўрганади ва амалда қўллаб (ишлатиб) кўради;

б) сувни тежайдиган суғориш технологиялари фойдаланишга:

тайёр ҳолда бўлса – тегишли далолатнома расмийлаштиради;

тайёр ҳолда бўлмаса – аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар беради;

в) далолатнома расмийлаштирилган талабгорга ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда субсидия ажратиш тўғрисида хулоса тайёрлайди.

18. Туман ишчи гуруҳи раҳбари ва аъзолари субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосанинг ҳаққонийлиги ва тўғри расмийлаштирилиши учун масъул ҳисобланади.

Туман ишчи гуруҳи субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни умумлаштириб, уларнинг рўйхатларини ҳар ўн кунда ҳудудий ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун тақдим этади. Рўйхатларга далолатномалар ва хулосалар илова қилинади.

19. Ҳудудий ишчи гуруҳ ҳар ўн кунда тақдим этилган рўйхатларни умумлаштиради ва субсидия ажратиладиган талабгорлар рўйхатларини шакллантириб Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасига белгиланган тартибда тақдим этади. Ушбу рўйхатларга далолатномалар ва талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар илова қилинади.

20. Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган рўйхатларни улар тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан кўриб чиқиб умумлаштиради ва келишади.

21. Рўйхат белгиланган тартибда келишилганидан сўнг беш иш кунида Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси сувни тежайдиган

суғориш технологияларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш бўйича тақдим қилинган якуний рўйхатларга асосан талабгорларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақларига субсидияларни ўтказиб беради.

4-боб. Якунловчи қоидалар

22. Тасдиқланган манзилли дастур Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

23. Талабгорлар томонидан сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий этиш тўғрисида тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш жараёнида юзага келадиган шартномавий мажбуриятлар бўйича низолар ва келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

24. Талабгорларнинг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатлари бир қисмини қоплаш бўйича бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назорат Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
I босқич	Талабгорлар	Келгуси йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича туман ишчи гуруҳининг ишчи органи – туман ирригация бўлимига ариза билан мурожаат қилади.	Ҳар йили 1 февралга қадар
II босқич	Туман ишчи гуруҳи (ишчи органи – туман ирригация бўлими)	1. Талабгорлар аризаси тушган кундан бошлаб жойига чиқиб ўрланади. Бунда тегишли ер майдонининг талаб даражасида унумдорлиги, шўрланиш даражаси, навдор тут кўчатлари экилганлиги, тут кўчатларини экишга қўйиладиган талабларга мослиги каби мезонларга асосан субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради. 2. Ижобий хулоса берилган талабгорлардан иборат туман манзилли рўйхатини шакллантиради ва кўриб чиқиш учун ҳудудий ишчи гуруҳнинг ишчи органи – Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бошқармасига тақдим қилади.	Уч иш кунида Ҳар йили 15 февралга қадар
III босқич	Ҳудудий ишчи гуруҳи ишчи органи – (Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бошқармаси)	Туманларнинг манзилли рўйхатларини таҳлил қилади ва келгуси йилда мевали ва озуқа тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича туманлар, ҳудудлар ҳамда талабгорлар бўйича ер участкалари майдони, ер бонитет балли, сув манбаи кўрсатилган ҳолда, ҳудудий манзилли рўйхатни шакллантиради ҳамда Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасига тақдим қилади.	Ҳар йили 1 мартга қадар
IV босқич	Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси	1. Тақдим этилган ҳудудий манзилли рўйхатларни таҳлил қилади, умумлаштиради ва манзилли дастурни ишлаб чиқади. 2. Манзилли дастур лойиҳасини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан келишган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим қилади.	Ҳар йили 15 мартга қадар

V босқич	Вазирлар Маҳкамаси	1. Манзилли дастурни таҳлил қилади ва тасдиқлайди. 2. Тасдиқланган манзилли дастурни Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ижро учун юборади.	Ҳар йили 20 мартга қадар
VI босқич	Талабгорлар	Сувни тежайдиган суғориш технологияларининг лойиҳалар асосида тўлиқ қурилишини таъминлайди ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилишни ташкил қилиш ва субсидия ажратиш учун туман ишчи гуруҳи ишчи органи – туман ирригация бўлимига мурожаат қилади.	Қурилиш ишлари яқунлангандан сўнг
VII босқич	Туман ишчи гуруҳи (<i>ишчи органи – туман ирригация бўлими</i>)	1. Жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларини жойига чиқиб талабгорлар ва пудрат ташкилоти вакили иштирокида ўрғанади ва амалда қўллаб (ишлатиб) кўради. 2. Сувни тежайдиган суғориш технологиялари фойдаланишга: тайёр ҳолда бўлса – тегишли далолатнома расмийлаштиради; тайёр ҳолда бўлмаса – аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар беради. 3. Далолатнома расмийлаштирилган талабгорга субсидия ажратиш тўғрисида хулоса тайёрлайди ва ҳудудий ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун тақдим этади.	Уч иш кунда Ҳар ўн кунда
VIII босқич	Ҳудудий ишчи гуруҳи ишчи органи – (<i>Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бошқармаси</i>)	Тақдим этилган рўйхатларни умумлаштиради ва субсидия ажратиладиган талабгорлар рўйхатларини шакллантириб, далолатномалар ва талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар илова қилинган ҳолда Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасига белгиланган тартибда тақдим этади.	Ҳар ўн кунда
IX босқич	Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси	1. Тақдим этилган рўйхатларни улар тушган кундан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан кўриб чиқиб умумлаштиради ва келишади. 2. Рўйхат белгиланган тартибда келишилгандан сўнг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш бўйича тақдим қилинган якуний рўйхатларга асосан талабгорларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақларига субсидияни ўтказиб беради.	Ўн иш кунда Рўйхат келишилгандан сўнг беш иш кунда
X босқич	Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти	Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш бўйича бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.	Доимий равишда

Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда
сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий
килиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Сувни тежайдиган технологияларини жорий этишга сарфланган
харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга
кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Туман ҳокими, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари*
3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи
4. туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи
5. “Ўзбекгидрогеология” институти (ДУК)нинг ҳудудий бўлими раҳбари
6. Хизмат кўрсатувчи тижорат банки раҳбари
7. Туман ирригация бўлими бошлиғи, *ишчи гуруҳ котиби*

Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда
сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий
қилиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

_____ тумани ҳоқими,
**Сувни тежайдиган технологияларини жорий этишга
сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш
учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман
ишчи гуруҳига**

_____ **ТОМОНИДАН**
(пиллачилик ва тутчилик ташкилоти номи ва раҳбарнинг Ф.И.О.)

АРИЗА

_____ худудда фаолият кўрсатаётган
(худуд номи)
_____ туманда 20__ йилда
(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи)

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ва (ёки) сув
чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар
ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш
манзилли рўйхатига корхона тасарруфидаги жами _____ гектар ер участкасида,
жумладан, _____ рақамли контурдаги _____ гектар, _____ рақамли контурдаги
_____ гектар, _____ рақамли контурдаги _____ гектар майдонда янги интенсив
тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш
лойиҳасини киритишингизни сўрайман.

Ер майдонининг ўртача бонитет балли _____ балл, шўрланиш
даражаси _____.
(шўрланмаган, кучсиз, ўртача шўрланган)

Шу жумладан, контурлар бўйича бонитет балли:
(1-контур) _____ балл, (2-контур) _____ балл, (3-контур) _____ балл.

Ер участкаси сув билан _____.
(таъминланган, таъминланмаган)

Ер участкаси электр тармоғига _____.
(уланган, уланмаган)

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки- _____.

Илова. Ер участкасининг қишлоқ хўжалиги харитасидан кўчирма.

_____ **раҳбари** _____
(пиллачилик ва тутчилик ташкилоти номи) (имзо) (Ф.И.О.)

Изоҳ.

Талабгор аризада кўрсатилган маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг
тўғрилигига жавоб беради.

Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда
сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий
қилиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

“Тасдиқлайман”

_____ туман ҳокими,
**Сувни тежайдиган технологияларини жорий
этишга сарфланган харажатларнинг бир
қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга
кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳи**

_____ (имзо, муҳр)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____

_____ туманида сувни тежайдиган суғориш технологияларини
жорий этишга ва насос станцияларини қуришга кўмаклашувчи ҳамда
тугалланган ишларни фойдаланишга қабул қилувчи ишчи гуруҳининг
ХУЛОСАСИ

_____ (туман номи) туманида сувни тежайдиган суғориш
технологияларини жорий этишга ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш
қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш
учун насос станцияларини қуришга кўмаклашувчи ва тугалланган ишларни қабул
қилувчи ишчи гуруҳи янги тут плантациясида томчилатиб суғориш
технологиясини _____ жорий
қилган _____ (пиллачилик ва тутчилик ташкилот
номи) нинг 20__ йил _____ даги мурожаатини жойида ўрганиб чиқди ва
қуйидагиларни аниқлади:

1. _____ 20__ йилда _____ га
(пиллачилик ва тутчилик ташкилот номи)

майдонда, жумладан, _____ рақамли контурда _____ га, _____ рақамли контурда _____ га,
_____ рақамли контурда _____ га, янги интенсив тут плантациясида томчилатиб
суғориш технологиясини жорий қилиш учун жами қиймати _____ сўм
бўлган лойиҳа ишлаб чиққан ҳамда уни жорий қилиш учун
_____ билан жами қиймати _____ сўм
(пудрат, хизмат кўрсатиш ташкилоти номи)

бўлган шартнома тузган;

2. _____ тижорат банки билан томчилатиб суғориш
технологиясини жорий қилиш учун жами _____ сўмга _____
фоизли кредит шарномасини тузган ҳамда амалда _____ сўм кредит
олган (мавжуд бўлса);

3. 20 ____ йилда жами _____ га майдонда, жумладан, ____ рақамли контурда ____ га, ____ рақамли контурда ____ га, ____ рақамли контурда ____ га майдонда янги интенсив тут плантациясида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган ва ишга туширган.

ХУЛОСА:

_____ га жами _____ сўм
(*тиллачилик ва тутчилик ташкилот номи*)
миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ.

Туман ишчи гуруҳининг аъзолари:

Т/р	ф.и.о.	имзо	Лавозими
1.	Лавозимга кўра	-	туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, туман ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари
2.	Лавозимга кўра	-	туман ирригация бўлими бошлиғи, ишчи гуруҳ котиби.
3.	Лавозимга кўра	-	туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4.	Лавозимга кўра	-	туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи
5.	Лавозимга кўра	-	“Ўзбекгидрогеология” институти (ДУК)нинг худудий бўлими раҳбари
6.	Лавозимга кўра	-	Хизмат кўрсатувчи тижорат банки раҳбари

